# «Бутун кучни халқ ичидан олайлик...»

*Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

## ҲУР СЎЗ ҚУДРАТИ

Кўпинча, «Журналистлардан, умуман, журналистикамиздан қониқиш ҳосил қиласизми?» деб сўраб қолишади. Вазиятга қараб, у ёки бу тарзда жавоб бераман-у, аслида кўнглимда бир дунё мулоҳаза ғужғон ўйнайди: журналист ким, журналистика қандай касб, ўзи?

Журналист бир оғиз керакли сўзни осмондан олиб тушиш учун фазогирга, бир муборак жумлани океан қаъридан тутиб чиқиш учун ғаввосга айланишга ҳозиру нозир одам. У буюк хаёлпараст, бинобарин: ҳур сўз орқали бутун жамиятни, қолаверса, бутун дунёни эркинлаштиришга ишонади, у ўхшатиб топилажак сўз надоси — тунми-кундузми, тузган чиройли жумласи учун дўпписини осмонга отади. Теша тегмаган бир иштибоҳ ижод қилса ундан бахтиёрроқ одам йўқ дунёда! Журналистиканинг қолипи ё андозаси йўқ, бугунги қолип эртага аҳамиятини йўқотиши, ижоднинг энг сурурли онларида топилган кашфиётлар эртага ҳеч нарсага айланиб қолиши жуда-жуда оддий ва табиий ҳол. Журналистикада бугунги қувонч — бугунники, эртага сени мутлақо бошқа захматлар кутади; уларни енга олсанг эрта ҳам сеники, акс ҳолда... Журналист ҳар куни минглаб, миллионлаб одамларнинг имтиҳонидан ўтади, одамлар газеталарни эмас, бамисоли сени икки қўллаб тутиб афтингга қараётгандек, ёзган бир парча мақолангга эмас, сенинг кўзларингга термилиб туриб, сени синов чиғириғидан ўтказаётгандек туюлади.

Дунёда қайси касб соҳиб ва соҳибалари ўзларини бу қадар бот-бот одамлар инон-ихтиёрига қўйиб берадилар? Кўнгилли равишда уларнинг талабчан нигоҳларига рўпара бўладилар?

Журналистнинг нонини жўн тушунадиганлар унинг ҳар бир мақоласи сўз олдида, ҳаёт ҳақиқатлари олдида, минг турфа одамларнинг хилма-хил хоҳиш-иродалари олдида, мутлақ ва ўткинчи ҳақиқатлар олдида ва ниҳоят ўзларининг инсоний ва касбий виждонлари олдида ҳисобот эканини англайдиларми?

Яна бир «ножўя» савол: одам неча ёшида журналист сифатида суяги қотади? Университетни битириб, журналистлик васиқасини қўлга олганидами, 40, 50 ёки 60 ёшидами?..

Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб қайтара олмайди, чунки бунинг ўлчами йўқ. 70-80 ёшида унча-мунча ёшлардан кўра ғайратлироқ қалам тебратаётган устозлар бор, ҳали университетни тугатмай, радио ё телеойнадан қойиллатиб миллионлаб мухлис орттираётган йигит-қизлар ҳам кўп.

Ҳамонки журналист ва журналистика мана шундай ўлчамларга сиғмас бир касб экан, ундан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми? Унга мутлақ аниқ ва тўкис таъриф-тавсиф бериш мумкинми?

Жуда қийин. Эҳтимол, мумкин эмас.

Байрам куни бундай ҳасратлар ўринлими, деб ажабланмаяпсизми?

Мен мутлақо ҳасрат қилаётганим йўқ, балки байрам ҳаяжони — самимийлик, қабилида кўнгилда борини қоғозга тўкяпман. Журналист учун ҳаловат бегона, у ҳатто байрам шодиёнаси дақиқаларида ҳам ҳордиқ чиқаришни ўйламайди, айни шу ҳордиқ ва тантана маросимини қандай ёзсам экан деган ташвишда юради.

Ҳа, журналист ўзи учун эмас, одамлар учун яшайди, меҳнат қилади. Одамнинг дардини ўзиники деб билади, гоҳо бир одам ташвишини олам ташвиши даражасига кўтариб жар солади. Бунинг учун журналистдан ёзғирмаслик керак, бу, эҳтиросли ижод табиатидан асли! Касбимизнинг қонида, «феъл-атвори»да мана шундай жунунлик бўлгани учун ҳам журналист ва журналистика умуминсоний, умуммиллий мақсадларни адо этиш масъулиятини зиммасига ортмоқлайди. Президентимиз айтганидек, жамиятнинг тўртинчи ҳуқуқий посбони, назоратчисига айланади.

Демократиялаша бораётган матбуот ана шу буюк миссияни тобора сидқидилдан адо эта боради, у ўз йўлидаги ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларни жуда осонлик билан енгишга одатланади, тобланади. Зеро, дунёда ва умуман юксак маданийлашган ва ҳуқуқий жамият қуриш орзусидаги мамлакатда сўзнинг қудрати ортгандан ортади, сўзнинг қудрати унинг эркинлигида намоён бўлади, эркин сўз эса мустақилликнинг тўққизинчи йилида биз ўйлаётган энг эзгу орзуларга етишишга имкониятлар яратади, порлоқ йўлимизни бардавом қилади!

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси.**



*Қибрайлик ҳар бир муштарий туманда нашр этиладиган «Давр овози» газетасини ўзининг суянчиғи деб билади.*

**Суратда: таҳририят ходимлари Д.Абибуллаева, Х.Раббонаев, бош муҳаррир А.Фозилов, М.Холмуродовалар иш устида.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## МУХБИРЛАР... УЗОҚ ЯШАЙДИЛАР

**Термиз шаҳрида Аҳмад Мухтаруллин деган одам яшайди. Саксонга киради. Эллик йил мухбир бўлиб... яшади. Ҳозир ҳам бардам. Велосипед минади. Велосипедининг рулига рўзғор-ўчар халтаси билан бирга мухбирлик папкаси ҳам ҳамиша осиғлиқ туради.**

**Мухтаруллин умр бўйи велосипед миниб мухбирлик қилди.Бир гал велосипеддан чарчаброқ турганини кўриб қолдим.**

— Келиш қаердан, устоз? — деб сўрадим.

— Жайранхона қишлоғига бориб қайтдим, ошна. Бир корхонанинг ишчилари маошларини вақтида олиша олмаётган экан. Шу ҳақда мақола тайёрловдим.

Жайронхона. Термиздан 20 чақирим узоқликдаги манзил. Яна, велосипед ҳам уринганроқ денг. Қойил.

Ўшанда Мухтаруллин олтмиш беш ёшда эди.

Олтмиш беш ёшида Аҳмад ака нафақага чиқди. Лекин газета бўёғининг қадрдон ҳидини хумор қилиб босмахонадан узоқлашиб кетолмади. Келинг, хумори босилиб турсин деб уни босмахона эшикоғалиги ишига ўтказиб қўйдилар.

Хуснихати қизиқ. Ҳар бир ҳарфни бир сурув қўйга ўхшатиб йирик-йирик қилиб ёзади. Унинг ёзганлари газетага чиққанидан сўнг чиройли бўлиб кетади. Ҳали-ҳали газетада мақоласи босилса, юрагининг чигиллари ёзилиб, яна ғайрат қилиб яшагиси,яъники енгини шимариб олиб, ёзгиси келаверади.

«Жарқўрғон ҳақиқати» деган туман газетасида ишлайдиган акамиз Тожи Турдиев Мухтаруллиннинг олдида ҳали «болакай»: эндигина олтмишни тўлдирдилар. Тожи ака ўттиз йил мухбир бўлиб ишлаб, муҳаррирликка кўтарилмаганидан афсусланмайди. Аксинча, муҳаррир бўлганимда, Тожи Турдиев бўлолмай қолардим, дейди у кулиб.

Тожи ака ҳам нафақахўр. Нафақага чиққанидан сўнг кўп ўтмай, ўзининг айтишича ошқозони оғриб қопти. Минг даволанипти ҳамки, оғриғи тузалавермапти. Бир куни ундан ҳол-аҳвол сўрагани унинг уйига муҳаррир борибди. Гап орасида муҳаррир «фалон-фалон ходимларимиз, берган маошингиз ичимизни оғритяпти деб ишдан кетиб қолишди. Тожи ака, қайтсангизчи редакцияга», деб қопти. Шундан сўнг у газетага қайтибди. Қайтибди-ю, ошқозон оғриғи ўз-ўзидан яхши бўлиб кетибди.

Тожи ака тартиб-интизомга риоя қиладиган инсон. Ҳар куни ҳеч бўлмаганда 150 сатр мақола ёзади. 20 чақирим пиёда юради. Таҳририятнинг обунасига келган газеталарни бир бошдан ўқиб чиқади-да, сўнг ўзи кўзига суртиб тахлаб қўяди.

Шўрчилик Эшмирза Муҳаммадиев ҳам ҳали анча ёш. — Олтмиш олтини тўлдирди.Уни бундан 18 йил аввалроқ бўлиб ўтган бир можаро қаритди. — «Олтинсой тонги» деган газетада муҳаррир эди. Кўпгина атеист «арбоб»лар «стол»дан ажралиб қолишдан қўрққанидан туғишган қариндошининг қабрига тупроқ тортишга — марҳумни кўмишга бормай қўйган замонларда Муҳаммадиев газетасини тўлдириб Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди ҳақида мақола бериб юборди-.Обком махсус мажлис чақириб, унга «строгий виговор» бериб, «кадр с не устойчивым характером» деб баҳо беради.

Эшмирза Муҳаммадиев хушчақчақ одам. Бир гапириб, ўн кулади. Ҳар кулганида оламнинг чиройи очилиб кетгандай бўлади. Хушвақт феълини суйган ёшлар Муҳаммадиевнинг газетасига ёпирилиб борадилар. Ундан рағбат топдилар. Муҳаммадиевнинг 10 та шогирди ҳозир мамлакатимизнинг нуфузли матбуот шўъбаларида хизмат қилмоқда.

Муҳаммадиев ҳамон ўзини мухбир деб билади. Ўзи ўқиган яхши мақолалар ҳақида одамларга бир завқи тошиб, бир юраги жўшиб гапирадики, эшитган одам ҳалиги ёзилган газетани топиб, ўқиб чиққанини ўзи ҳам билмай қолади.

Муҳаммадиевга мен «Олтинсой тонги»дан, Сўфи Оллаёрдан гапиринг дейман. Бутун даврани кулгига тўлдириб турган одам кутилмаганда жиддий тортади. Каллапўшини бошидан олади. Унинг бу ҳолатидан «беҳудага яшамапмиз-а, оғам» деган маъноні ўқийман.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

Айни пайтда Ўзтелерадиокомпаниянинг тўртта телевизион ва яна шунча радио каналлари эфирга чиқмоқда. Яқинда мавжуд телеканалларнинг машҳурлик рейтинг даражасини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Унда иштирок этганларнинг 67 фоизи «ТВ-2» — «Ёшлар» телеканалини афзал деб билишганди. Хўш, бундан бор-йўғи икки йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган «Ёшлар» телеканали бундай даражаға қандай эришди? Очиғи, «Ёшлар» телеканали аниқ мақсад ва вазифалар асосида фаолият кўрсатаётганлиги телетомошабинларнинг чинакам қизиқишига сабаб бўлди. Бугун ушбу ижодий жамоанинг «Янги авлод» студияси кўрсатувлари ёки «Давр» ахборот дастурини, қўйинки, бошқа кўрсатувларини кўришга ошиқаётган кишилар республикамиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Дастлаб эфир вақт кунига 6 соатни, сўнгра 10 соатни, айни пайтда эса 16 соатни ташкил этади. Рости, бу кам сонли ижодий жамоанинг катта ютуғидир. Унинг томошабинлари фақат ёшлар эмас, балки республикамиз аҳолисининг барча қатламлари, шунингдек, қўшни давлатларнинг аҳолиси ҳамдир.

«Ёшлар» телеканали асосий диққатни ёшларимизни мустақил фикрга эга бўлишига хизмат қиладиган кўрсатувларга қаратмоқда. Шу мақсадда «Эркин фикр», «Баҳс», «Менинг орзуим», «Туйғу», «Мутолаа» каби туркум кўрсатувлар ташкил этилдики, улар эндиликда канал кўрсатувларининг мустаҳкам ўзагига айланди. Буни ушбу кўрсатувлар номига келаётган кўплаб мактублар-у, телефон қўнғироқларидан ҳам билиш мумкин.

«Ёшлар» телеканали бугунги кунда ўз йўлига эга. Телеканал дастурларини кўздан кечирар экансиз, республикамиз ёшларининг ҳаёти, ўқишдаги, бунёдкорлик бобидаги фаолияти ҳар тарафлама қамраб олинган. «Ёшлар овози», «Қишлоқдаги тенгдошим», «О, ёшлигим», «Талабалик даврим менинг», «Мезон», «Дунёга йўл», «Марду майдон» каби қатор туркум кўрсатувлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Телеканал кўрсатувлари ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Лекин ана шу кўрсатувларни юзага келишига асосий сабабчилар, уларнинг муаллифларидир. Мамлакатимизнинг таниқли шоир, адиблари ва тарихчи олимлари билан «Бир пиёла чой устида» суҳбат қураётган таниқли шоир ва журналист Эшқобил Шукуров, ҳар жума оқшоми хонадонимиз меҳмони — «Азизим» кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси Умида Усмонова, бегларни бегойимларга нисбатан янада меҳр-муҳаббатли бўлишига ундовчи «Бегойим» кўрсатувининг тиниб-тинчимас муаллифи Нилуфар Умрзоқова, Фарҳод Бобожоновнинг «Бир ўлкаки», Абдурасул Абдуллаевнинг «Ҳудуд», иқтидорли шоира ва журналист Нозима Воҳидованинг «Мезон», Ойбек Вейсал ўғлининг «Ракурс», Хайрулла Нуриддиновнинг кенг қамровли таҳлилномаси — «Давр» — ҳафта ичида» ёки Комилжон Шамсиддиновнинг «Аср қиёфаси», Дилфуза Аҳмедованинг «Бизнес академия», «Давр» ахборот дастурининг ҳар бир чиқишида иқтидорли тележурналистлар Собир Турдиев, Соҳибжон Алижонов, Илҳом Эшматовларнинг долзарб мавзулардаги репортажларини ким ҳам севиб кўрмайди, дейсиз.

«Ёшлар» телеканали ижодий жамоаси республикамизнинг энг чекка туманлари ва қишлоқларига бориб «Қишлоқдаги тенгдошим», «Меҳр кўзда» каби туркум кўрсатувлар тайёрлаяптики, эндиликда оддий қишлоқ ёшлари орасидан иқтидорли ёш шоир ва шоираларни, санъат шайдоларини, спортга меҳр қўйган бўлажак республика ва жаҳон чемпионларини топиш имкониятлари туғиляпти. «Истеъдод шоу — 2000» кўрсатувининг ғолиблари бунинг ёрқин мисолидир.

Ҳа, бугун Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. Унинг жаҳон ҳамжамиятидан янада мустаҳкам ўрин эгаллаши ва унинг эртанги порлоқ, буюк келажагини таъминлаш кўп жиҳатдан бугунги ёшларимизга боғлиқ. Ана шу ёшлар мамлакатининг «Ёшлар» телеканали ижодий жамоаси олдида ҳам жуда катта масъулиятли вазифалар турибди. Телеканал ижодий жамоаси эса ушбу вазифаларни бундан буён ҳам юракдан ҳис қилади ва англайди, деб умид қиламиз .

**Абдуазим АЛИМОВ,**
**журналист.**





*Туман газеталари*

## СИФАТ ЎЗГАРСА, ОБУНАЧИ ҲАМ КЎПАЯРКАН

Туман газеталари ҳақида нимагадир кам ёзилади. Ўқиган эдим, қайсидир туманнинг газетаси атиги 250 нусхада чоп этилар экан. Устига-устак, эски босма машиналари бўлгани туфайлими, сурат беришнинг сира ҳам иложи йўқ экан. Суратсиз чиқадиган газетани бир тасаввур қилиб кўринг-а, қандай кўринишини.

Шунинг учунми, Янгиқўрғон туманидаги «Янгиқўрғон ҳаёти» газетаси ўтган йилни бир неча минг сўм соф фойда билан якунлабди, дейишганида, аввалига, ишонқирамагандим. Кўзим билан кўргим келди. Бордим. Рост гап экан.

– 380 минг сўм соф фойда билан якунладик, деди газета муҳаррири Қамбарали Иброҳимов. – Жорий йилнинг биринчи чорагидаги натижаларимиз ҳам чакки бўлмади. Фойда ҳисобидан ходимларимизга ҳар чоракда бир ойлик маош миқдорида мукофот бераяпмиз. Қалам ҳақи ҳам ёмон эмас. Ким қанча кўп ёзса, шунча қалам ҳақи олади.

Суҳбат асносида, табиийки, фойданинг сабаблари билан қизиқдик. Сўнгги йилларда «Янгиқўрғон ҳаёти» ўқувчиларининг сони 4 мингдан ошди. Газетада реклама хизмати нафақат жорий қилинди, балки унинг фаолияти тез суратда жонланди: фойда олиш воситасига айланди.

– Газетанинг сифати обуначини ҳам кўпайтиришини компьютер воситасида саҳифалашга ўтганимиздан кейин яққол ҳис қилдик, – дейди Қамбарали ака. – Компьютер – бу мўъжиза экан. Қўрғошин билан уни қиёс қилсангиз босмахона ва газетачининг шунча йиллик умри азобда кечган экан, деган хаёлга борасан, киши. Тоза, сурати-ю, ҳарфи тандирдан энди узилган нондай ярқираб турган газетага нима етсин.

Яширмаслик керак, айримларда туман газеталарига нописандона қараш ҳам йўқ эмас. Бунга, аввало, газета-ю, газетачининг ўзи сабабчи. «Тиш-тирноғи» бўлмаган, муассиснинг «қошқовоғи»га қараб турган газета ҳеч қачон обуначини ўзига жалб қилолмайди. «Янгиқўрғон ҳаёти» бундай ҳолатга мутлақо қарши бўлган йўлни танлади: «тишли-тирноғли» мақолаларни қўрқмасдан, ҳеч иккиланмасдан бера бошлади. Газетанинг, айниқса, «Хиёнатнинг кўчаларида», «Йўл бошидаги бола», «Учиб кетган арилар», «Мудирнинг фиғони фалакка чиқди», «Паромонда қачон тонг отади?»... деб номланган мақолалар чиққан сонлари қўлма-қўл бўлиб кетди. Сотувда ҳам бир дона қолмади. Тиражи кўпайгани сайин, табиийки, реклама ва эълон берувчиларнинг сони ҳам ортаяпти. Бир пайтлар газетага фуқароларнинг мурожаатлари кескин камайиб кетган бўлса, эндиликда икки бараварга кўпайди. Газетанинг савиясини кўтарилишида Рустамжон Умматов, Лобар Рустамова, Шаҳзода Акбарова каби қаламкашларнинг хизматлари беқиёсдир.

Суҳбат асносида Қамбарали ака қизиқ гапни айтиб қолди. У ижодкорларга қалам ҳақи тўлашда янги тажрибани қўллаш ниятида экан. Янгиқўрғонда, Наманганда, қолаверса, республика миқёсида яхши, халқ севадиган ижодкорлар бор. Газета ана шулар билан мақола, шеър ёки ҳикояга буюртма бериб, шартнома тузади. Шу мақолангиз ёки шеърингизга ана шунча пул бераман, дейди. Муаллиф хоҳ янгиқўрғонлик бўладими, хоҳ тошкентликми фарқи йўқ. Асосий мақсад яхши маҳсулот ва бу орқали газетанинг нуфузини ошириш. «Пулимиз кўпайиб бораверса, кўз тегиб қолмаса, албатта, шундай қиламиз», деди суҳбатимиз сўнггида тиниб-тинчимайдиган Қамбарали ака.

Сафар давомида шундай хулосага келдим: яхши газета жой танламас, ҳудуд билмас экан, яхши жамоа бўлса, бўлди экан.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚАЛАМКАШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ҳар бир газета ўнлаб, юзлаб ижодкорларнинг тинмай изланишлари билан қизиқарли, ўқимишли. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳам ўз жамоатчи ёрдамчиларининг ижобий кўмаги билан мафтункор. Шуни ҳисобга олиб, таҳририятимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида фаол ижодкорлардан бир гуруҳини «Фахрий ёрлиқлар» билан тақдирлади. Улар орасида қаламкашлардан Мамажон Муҳиддинов, Холмурод Оллоназаров, Акбар Алиев, Ҳайитбой Эргашев, Солижон Бойматов, Мақсуда Абураҳимова, Алёна Аминова, Анатолий Кудинов, Флора Фахриддинова ва Файзулла Хўжаевлар ҳам бор.

Мукофот муборак, қадрдон ҳамкасблар!



«Халқ сўзи» — халқнинг кўзи

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.**

*Ҳамкасблар ҳақида*

## ЭЛГА ЙЎЛДОШ, ЮРТГА ҚЎЛДОШ

Саксонинчи йилларнинг бошлари эди «Қашқадарё ҳақиқати» (ҳозирги «Қашқадарё») газетасига йигирма беш ёшлардаги полвон келбат, аммо нигоҳлари ўйчан, қарашлари маъюс бир йигит ишга келди. Ўша пайтлари энди иш бошлаган адабий ходим бир ойда 95 сўм маош оларди. Боз устига у меҳмонхонада турарди. Оладиган маошининг қарийб ярмини меҳмонхонага тўларди. Шунинг учунми, кўпроқ вақти ишхонада ўтарди. Ўрганишдан орланмас, ўз устида тинмай ишларди. Қобилиятли экан, тез орада танилди. Саккиз ой деганда бўлим мудири вазифасини бажарувчи бўлди. Бу ҳам унга билдирилган алоҳида ишонч эди. Чунки бўлим мудири коммунист бўлиши шарт бўлиб, обком бюросида аниқланарди. У эса фирқасиз эди. Шундай бўлса-да, истисно тариқасида мудир вазифасини бажарди. Ана шу йигит — Юнус Узоқов билан бирга ишласам-да, ўша вақт унинг ҳаёти ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эканман. Кейинчалик билдим ва унга нисбатан ҳурматим янада ошди.

Олақўйлиқ қишлоғи Китоб туманидагина эмас, Қашқадарёда ҳам машҳур. Чунки бу қишлоқдан кўплаб олимлар, шифокорлар, маърифатли кишилар етишиб чиққан. Юнус Узоқов ҳам шу қишлоқдан. Унинг отаси клуб мудири, онаси кутубхоначи бўлган. Шунинг учун ёшликдан кутубхона унинг иккинчи уйи ҳисобланган.

У мактабни олтин медал билан тамомлади. Етмиш олтинчи йилда ТошДУ журналистика факультетини битирди. Орзуси Тошкентда ишлаш эди. Отаси касалланиб қолганлиги туфайли бу орзусидан воз кечди. Туман газетасида иш «топилмади». Аввал туман радиосида, сўнгра икки йил мактабда ишлади. Сиртдан ТошДУ аспирантурасида ўқиди. Иқтисодий ночорлик туфайли бу иш ҳам қолиб кетди. Тўғри, у расман олимлик унвонига эга эмас. Бироқ «илм қилган» айрим «номзод»лардан минг чандон афзал. Энг муҳими, шу баҳона ҳар бир воқеа-ҳодисанинг моҳиятига етишга ўрганди.

— Мени газета, газетадаги одамлар, ўша ердаги муҳит тарбиялади, — дейди Юнус. — Бу ерда мен ҳақиқат истаб, адолат истаб ижод қилаётган, юпун яшаса-да, мағрур, бағрикенг, кўнгли очиқ одамларга дуч келдим. Улардан кўп нарсани ўргандим.

Ҳақиқатан ҳам Юнус Узоқов улардан ўрганган, уларга эргашган ҳолда ўзлигини излади, ўз услуби, ўз йўли бўлишига интилди. Айниқса, газетанинг махсус мухбири бўлиб ишлаган кезлари ҳаёт муаммоларини чуқур ўрганди. Шунинг учунми ҳамкасблар даврасида, албатта, қандайдир муаммо ҳақида куйиниб гапириб қоларди. Шунинг учунми, «Юнус муаммо», деган лақаб ҳам орттирди. Энг муҳими, ана шу муаммолар бирин-кетин газета юзини кўрди.

Танқид ва фельетонлари учун Юнус Узоқов чеккан заҳматлардан хабардорман. Истиқлол туфайли орзуларимиз ушалди. Юнус Узоқов 1994 йилда «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлай бошлади. Газета уни юртга танитди. У юртимизда юз бераётган бемисл ўзгаришларни бутун қалб ҳарорати билан тасвирлашга, тараққиётга ғов бўлаётган айрим иллатларни бўй-басти билан кўрсатишга ҳаракат қилиб келмоқда. Пиллачилик соҳасида ўйлаб юрган ўйларини «Ипакка ўралган тош муаммолар», «Пилла тилла эмасми?» мақолаларига сингдирди. Ирригация-мелиорация борасидаги муаммолар «Томчилаётган сувми ёки пул» мақоласидан жой олди. «Ўз уйидан қувилганлар», «Банкда жиноят юз берди», «Прокурор агар қасд қилса» мақолаларида, қайси мавзуга қўл урмасин, ўз юртини жон-дилдан севувчи фуқаро, жасоратли журналист юраги уриб турғанини илғаш қийин эмас.

Ўтган йил унинг ҳаётида унутилмас из қолдирди. «Йилнинг энг яхши журналисти» республика кўриги ғолиби, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони соҳиби бўлди. Китобликлар уни вилоят Кенгаши депутати этиб сайлашди.

— Мақтов ўз йўлига, аслида истиқлол туфайли ақл тиши чиққан шу юртнинг оддий фуқаросиман, ака, — дейди Юнус Узоқов кулимсираб. — Журналистнинг ҳаётини яхши биласиз. Шу топда вилоят касалхоналари ҳақида ёзган мақолам эсимга тушиб қолди. Ўзиям газетанинг беш сонида босилганди. Арининг инига чўп тиққан эканманми, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, айрим туман раҳбарлари тўнларини тескари кийиб олишди. Нуқул мақоладан нуқсон излашади, десангиз. Аммо улар ўшанда вилоятимизга одил ва халқ дарди билан ишлайдиган улуғ инсон раҳбар бўлиб келганини ҳисобга олишмаганди. Шу туфайли мақоладаги маълумотлар қайта текширилиб, ноҳақ маломатдан қутулиб қолгандим. Ўша кезлари мени вилоят раҳбаримиз имзо чеккан Фахрий ёрлиқ билан тақдирлашди. Ёрлиқни муқаддас, деб сақлайман. Бир мен эмас, юзлаб кишилар у кишининг меҳридан баҳра олганлар. Мендек оддий бир журналистга юксак унвон берилганидан хабар топганимда, умримда илк бор кўзимга ёш қуйилиб келгани рост. Буни яширмайман. Эл-юрт ҳурмати ҳам қиёмат қарз...

Узоқ йиллар бирга ишлаб, кузатиб шундай хулосага келганман: Юнусжон ёниб яшаяпти. Унинг қалбига оташ солган, ёндирган нарса — Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуси. Бу туйғу унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. У вилоят мухбири сифатида ёзган илк мақоласини «Бу қарзни узмаса бўлмас», деб атаган эди. Асл инсон умр бўйи эл-юрт олдида қарздорлик ҳисси билан яшайди. Зеро, унинг бахти ҳам шунда — элга йўлдош, юртга қўлдош бўла олишда.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САРАТОН КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

Хуллас, вилоятда тажрибали шифокорлар саъй-ҳаракати билан амалий ишлар бошлаб юборилди. Компьютер техникаси, диагностик анжомлар медикаментлар олиш, текшириш объектлари ўртасида модем алоқаси ўрнатиш, компьютер базаси ва ахборот диагностик марказ тузиш, текшириш дастурини ишлаб чиқиш, диагностик аппаратларни ўрнатиш каби вазифалар бажарилгач, текширишнинг янги технологияга асосланган методологияси ва режаси ишлаб чиқилди. Онкологик касалликларнинг эпидемиологик ва этник характери ўрганиб чиқилди ва кишилар танасидаги ўсма касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида вилоятнинг аҳоли кўп истиқомат қиладиган учта ҳудуди, яъни Наманган туманининг Ровустон қишлоғи, Тўрақўрғон туманидаги Тўрақўрғон шаҳарчаси ҳамда Наманган шаҳрининг Давлатобод тумани танлаб олинди. Дастлаб мазкур ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳолига малакали шифокорлар саъй-ҳаракати туфайли аввалдан тайёрланган анамнез, тери ва тери ости тўқимаси, лимфа безлари, қулоқ, бурун ва томоқ, қалқонсимон без, нафас олиш аъзолари (ўпка), томоқ-қизилўнгач, ошқозон-ўн икки бармоқли ичак, ингичка ва йўғон ичаклар, жигар, сийдик ажратиш, жинсий аъзолар, кўкрак сут безлари тизимлари, бир сўз билан айтганда, тананинг барча аъзоларида учраши мумкин бўлган касалликнинг илк белгилари акс эттирилган 74та саволдан иборат бўлган махсус анкеталар тарқатилди.



**Гулжаҳон ҲАКИМОВА - Наманган вилояти онкология диспансери бош шифокори:**

- Биласизми, биз миллий модел ва унинг асосида яратилган янги технологиянинг қишлоқ аҳолиси учун қанчалар қулай ва аҳамиятли эканлигини айни шу ҳолатда кўришимиз мумкин. Аввалги тизимда бемор ўзидаги касалликни аниқлаш ва даволатиш учун қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят шифохоналарига қатнаб юриши оқибатида касалликнинг даволаш учун энг зарур бўлган вақтни ўтказиб юборар, натижада касалликнинг биринчи белгилари унинг охирги белгиларига айланиб кетиши мумкин эди. Янги технологияга мувофиқ кўрикдан ўтган кишилар вақт сарфлаб қишлоқ врачлик пункти, туман марказий шифохонаси, шаҳар, вилоят, республика марказий шифохоналари ўртасида сарсон бўлиб юрмайдилар. Аксинча, ўз саломатлиги борасида билишга қизиққан ҳар қандай киши бу анкеталардаги ҳар бир савол қаршисига ўзидаги ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда"ҳа" ёки "йўқ" деган жавобни, исми шарифи ва манзилини ёзиб ўз ҳудудидаги тиббий шаҳобчалардаги компьютер хонасига топширади. Унинг вилоят онкология диспансерига боришига хожат йўқ, йиғилган анкеталар улар яшайдиган қишлоқ врачлик пункти ёки шифохонадаги махсус компьютерга киритилгач, модем алоқаси орқали марказ-вилоят Онкология диспансерига узатилади.

Шундай қилиб вилоят Онкология диспансеридаги компьютерга келиб тушган анкеталар компьютердаги махсус дастур ёрдамида текширилади ва компьютер уларни соғлом, ноонкологик касалликлари бўлганлар, саратон олди касалликлари, саратон касаллигига гумон қилинганлар, саратон касалликлари каби беш та гуруҳга бўлиб беради. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳ контингентлари билан алоҳида ишлар олиб борилади. Жумладан, бўқоқ, анемия, ошқозон сурункали яллиғланиши каби ноонкологик касалликлари бўлган беморлар тегишли мутахассисларга жўнатилади. Саратон касаллигига гумон қилинганларда эса тегишли мутахассислар ёрдамида цитологик, эндоскопик, ренгенологик текширувлар ўтказилиб аниқ ташҳис қўйилади ва шу вақтнинг ўзида керакли чора-тадбирлар кўрилади.

Саратон, саратон олди касалликлари бўлган беморлар эса зудлик билан онкология диспансерига юборилиб махсус даволаш ишлари бошлаб юборилади. Текшириш натижаларига эътибор берсак, жорий йилнинг биринчи чорагида 15333 нафар фуқаро кўрикдан ўтказилди.

Мазкур компьютер технологиясининг асосини касалликнинг олдини олиш, барвақт ташҳис қўйиш, кафолатланган даволаш ташкил қилади. Шундай қилиб бу усул саратоннинг илк босқичларида аниқланган беморларни ўз вақтида даволаш, касалликни зўрайиб кетишининг олдини олиш, энг асосийси касаллик туфайли ортиб бораётган ўлим кўрсаткичини камайтириш учун замин яратди.

**Миржалол ЖЎРАЕВ** - Бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш миллий модели асосида Наманган вилоятининг қатор шаҳар ва қишлоқларида муваффақият билан амалга оширилаётган саратон касаллигини барвақт аниқлаш ва даволашнинг янги эффектив технологиясининг аҳамияти жуда катта бўлиб, унинг асл моҳияти фақат онкологик касалликларни илк босқичида аниқлашдангина иборат бўлиб қолмай, балки бу жараёнда аниқланадиган барча хасталикларни шу жумладан саратон олди касалликларини аниқлаш, даволаш ва шу орқали бу касалликни олдини олиш каби кенг кўламли тадбирлардан иборатдир.

Наманганлик шифокорлар яратган усулнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у туфайли минглаб одамлар онгида вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб туриш кераклиги ҳақидаги тушунча янада шаклланиб, аҳолининг тиббий маданияти ўсмоқда.

Агар инсон бошқаларга қанчалик шодлик ва бахт улашса, у ўшанча шодлик ва бахтга даъвогар бўлиши мумкин экан. Ўз умрини ҳамюртларининг бахти, саломатлиги, фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан ўтказаётган кишилар энг ажойиб ва айни вақтда энг бахтиёр кишилардирлар. Наманганлик шифокорлар ана шундай мақсад билан янгиликка қўл урди, десак асло муболаға бўлмас.

Мана шу биргина ташаббус, биргина интилиш ва изланиш меваси билан қанча-қанча хонадонларга бахт улашилмоқда, қанча кишиларнинг ҳаёти, оилаларнинг бахти, қувончи сақлаб қолинмоқда.

Агарда касаллик ўз вақтида аниқланмай ўтказиб юборилганда ўнлаб кишиларнинг ҳаёти нафақат хавф остида қолар, балки бу беморнинг оиласига, қолаверса жамиятга ҳам катта иқтисодий ва маънавий зарар келтириши мумкин эди. Қарангки, саратон касаллиги, кейинчалик инсон танасида бу дардни пайдо бўлишига сабаб бўладиган хасталиклар барвақт аниқланса, бемор нафақат бу дарддан тўла халос бўлади, балки унинг иш фаолияти ҳам йўқолмайди, оиласидан, жамоадан ажралмайди, касаллик туфайли ногиронликка чиқмайди. Энг асосийси, унинг тўла тузалиб кетишига кафолат бор.

Эҳтимол, бугун наманганлик шифокорлар бошлаган хайрли ишларнинг ҳали мукаммал бўлмаган томонлари, қирралари мавжуддир. Лекин энг асосийси шифокорларнинг илмга интилиб, илмий натижалар асосида ташаббускорлик билан технология яратиб ҳаётга татбиқ этиши таҳсинга лойиқдир. Уларнинг ягона орзуси халқимизни соғ-саломат кўриш, оилаларнинг бахтига бевақт чанг солувчи касалликнинг олдини олиш ва даволашдан иборатдир. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги хайрли ҳаракатлардан кўзланган бош мақсад ҳам ана шундан иборат. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, бетакрор, гўзал, саҳоватли, Оллоҳнинг назари тушган мана шу юртда, албатта, ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак.

**Минҳожиддин МИРЗО.**



## БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ

Ўзбекистон фахрийлари оғир жудоликка учради. Республикада хизмат кўрсатган юрист, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, истеъфодаги полковник Боис Ҳамидович Эргашев узоқ давом этган оғир бетобликдан сўнг 80 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Б.Ҳ. Эргашев 1921 йилнинг 5 май куни Самарқанд шаҳрида серфарзанд оилада таваллуд топди. Меҳнат фаолиятини 12 ёшидаёқ бошлади. 8 март номли Самарқанд тўқимачилик фабрикасида мотор устаси, механика цехида механик бўлиб ишлади. 20 ёшли йигит кўнгиллиларнинг илк сафларида ҳарб майдонларига йўл олди. 60-отлиқ кавалериячилар дивизиясида разведкачилик қилди, 1944 йилнинг июл ойигача жанг-жадалларда қатнашди. 1941-45 йилларда немис фашизмига қарши урушдаги мардлиги ва матонати, Хортица оролидаги жангларда кўрсатган жасорати учун уруш қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, учта орден ва ўн тўртта медал билан тақдирланди.

Боис Ҳамидович урушдан қайтгач, Тошкент Юридик институтида сиртдан ўқиди ва меҳнат қилди. 1968-83 йилларда Ўзбекистон Давлат хавфсизлик органларида ишлаб, хизмат бурчини бажаришда юксак масъулият намуналарини кўрсатгани учун ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди.

Хизматдан захирага бўшатилгач, кўп йиллар мобайнида Республика уруш фахрийлари қўмитасини бошқарди ва ёшлар ўртасида улкан тарбиявий ишлар олиб борди.

Б.Ҳ. Эргашев Ватанга чин маънода садоқатли фарзанд бўлиб келди, Ўзбекистон ватанпарвари сифатида унинг мақсад-манфаатлари учун курашга ўзини бағишлади. У ўз соҳасида юзлаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди, уларнинг қалбига ҳалоллик, инсонпарварлик, қонунга оғишмай амал қилиш, қатъиятлилик, Ватан ва халқ ишига беқиёс фидойилик каби ноёб ҳис-туйғуларни сингдириб келди.

Она-Ватанининг содиқ фарзанди, таниқли жамоат арбоби Б. Ҳ. Эргашевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий яшаб қолади.

**Бир гуруҳ фахрийлар.**

*Футбол: Евро-2000*

СПОРТ

**Ўтган шанба ва якшанба кунлари Голландия ҳамда Бельгиянинг яшил майдонларида давом этаётган XI Европа чемпионатининг чорак финал ўйинлари бўлиб ўтди.**

## ҲАҚИҚИЙ ТЎПУРАР ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Даставвал, Португалия-Туркия, Италия-Руминия чарм тўп усталари беллашдилар. Бу икки учрашув сценарий жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетди: ўйинлар бир хил натижа билан якунланди — 2:0. Италия ва Португалия фойдасига. Мағлуб жамоалар майдонда 10 киши бўлиб ҳаракат қилишди. Турклардан Алпай, руминлардан Хаджи қўпол ўйнагани учун майдондан четлаштирилди.

Яна бир чорак финал беллашуви — Голландия-Югославия ўйинида мезбонлар ҳужумчиси Патрик Клюверт ўзининг ҳақиқий тўпурар эканлигини кўрсатди. Шу пайтгача ўтказилган қитъа биринчиликларида ҳали ҳеч ким битта ўйинда тўртта гол киритмаган эди. Патрик эса ана шундай натижага эришди.

Гуруҳ баҳсларида ўзига хос шов-шувга сабаб бўлган югославлар лолалар юрти футболчиларига ҳеч қандай қаршилик кўрсата олишмади. Ўйин 6:1 ҳисобида якунланди.

Франция-Испания учрашуви ҳам қизғин курашлар остида ўтди. Аввал З. Зидан жарима тўпини қойилмақом ижро этиш билан ҳисобни очган бўлса, орадан кўп ўтмай испанлар 11 метрликдан ҳисобни тенглаштиришди. Французлар ярим ҳимоячиси Ю. Жоркаев киритган тўп эса ушбу ўйиндаги охирги гол бўлди. Қизиғи шундаки, ўйин тугашига бир неча дақиқа қолганда Испания ҳужумчиси Раул пенальтидан тўп кирита олмади.

28-29 июн кунлари бўлиб ўтадиган ярим финал беллашувларида Голландия-Италия ҳамда Португалия-Франция чарм тўп усталари ўзаро куч синашадилар.



II жаҳон чемпионати олдидан

## БУ — ЎЗБЕК КУРАШИ

Олдин хабар қилганимиздек, шу йилнинг 13-17 июл кунлари дунёнинг энг гўзал сайёҳлик марказларидан бири бўлмиш Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича II жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Унда ер юзининг 70 га яқин давлатларидан кучли полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Ҳозирги кунда Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) мутасаддилари чемпионат мезбонлари билан ҳамкорликда мусобақани юксак савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Қувонарлиси, ўзбек курашига бўлган қизиқиш кун сайин ортмоқда. Жумладан, буни ХКА томонидан юртимизда меҳмон бўлиб турган Осиё Дзю-до федерацияси вакиллари учун ташкил этилган семинар-кенгашда ҳам кузатиш мумкин бўлди.

Меҳмонларга ўзбегимнинг алп йигитлари курашимизнинг қадимий усулларини амалда намойиш этдилар. Ўзбек курашининг жаҳонга чиқиш тарихи билан боғлиқ бўлган кинофильм намойиши меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

ХКА президенти К. Юсупов дзю-до мутахассисларига курашимиз тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалиши, аммо у фақат мустақилликдан кейингина дунё юзини кўрганлиги ҳақида гапириб берди.

Меҳмонлар узоқ вақтдан бери ўз миллий қадрияти саналган курашни шу кунгача авайлаб-асраб келган халқимиз иродасига қойил қолишди ва ўз мамлакатларида ўзбек курашининг ривожланишига ҳисса қўшажакларини таъкидлашди.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






*Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида жойлашган фармацевтик фаолият кўрсатувчи «Саломатлик-А» кичик корхонасининг 1999 йил 30 апрелда олган П-2293 л 002763 сонли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган рухсатномаси (лицензияси) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

замонавий тўлов воситаси

СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ

таклиф этади.

Карточка эгаларига йилига 36% даромад тўланади. Бу фоизлар ҳар ойда ҳисобланиб, карточкангизга киритилиши ҳисобга олинса, Сиз қўйган маблағга қўшиладиган даромад йилига 42,6% ни ташкил этади.

Ҳисоб варағингиз қаерда очилганидан қатъи назар, Сиз ўз сўм карточкангиз билан хоҳлаган пайтингизда бизнинг ҳар қандай муассасамиздан хоҳ банкомат, хоҳ касса орқали нақд пул олишингиз мумкин.

Сўм карточкаси ёрдамида супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, хизмат кўрсатиш корхоналари, уяли алоқа компанияларида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш, шунингдек, авиа ва темир йўл кассаларидан чипталар сотиб олиш мумкин.

Сўм карточкаси эгаларининг ҳаёти ва саломатлиги бепул суғурта қилинади.

«Ўзмиллийбанк» - катта даромад олишингиз ва пулларингизни бут сақлаш кафолати.




Сиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ёки филиалига мурожаат қилиб, сўм пластик карточкасига эга бўлишингиз мумкин. Маълумот учун телефон: (+99871) 137-62-80




2957


Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг жамоаси масъул ходим Шоназар Бердиевга акаси **Иброҳим БЕРДИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, нашриёт, матбаа корхоналари ва китоб савдоси ташкилотларининг жамоалари Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари Шуҳрат Аҳмедовга отаси **Ёқубжон АҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Миллий Хавфсизлик хизмати раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши Миллий хавфсизлик хизмати фахрийси, 1941-1945 йиллар уруши қатнашчиси **Боис ЭРГАШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» Ҳиссадорлик компанияси бошқарув ва ижроия маҳкамаси «Ўзлитинефтгаз» ОАЖнинг директори **Абдушукур РАШИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Тасвир» нашриёт уйи жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Аҳмедовга отаси **Ёқубжон АҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан ўзининг чуқур таъзиясини изҳор қилади.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси «ЎзЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамиятининг жамоаси институт директори **Абдушукур РАШИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.00*
1 2 3 4 5 6